

# Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси  
1918 йил 21 июнда  
асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Ўзнома: «Иштинки» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.) «Туркистон» (1923—1924 й.) «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.) «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 95 (21. 214) 1992 йил 14 май, пайшанба

БАҲОСИ 1 СЎМ.

### ШУ КУННИНГ НАФАСИ

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент вилояти ҳокимлигининг тақлифига мувофиқ республикамиз пойтахтига келган Чимкент вилояти ҳокими М. Уркумбоевни қабул қилди.

Сўхбат чоғида икки қардош халқ ўртасида анъанавий дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамлаш ҳақида муҳокама қилинди. Иқтисодий таълим шариҳида қозоқ ва ўзбек халқларининг иноклиги ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Урта Осиё ва Қозғистон халқларининг ҳамкорлиги ва тараққиётга ёрдам берувчи халқаро уюшма тузиш тўғрисида эзгу ният протоколнинг имзоланиши ўзаро иқтисодий алоқаларни яна ҳам авж олдирди, деб таъкидланди учрашувда.

Сўхбатда Тошкент вилоятининг ҳокими Э. Сайдалиев иштирок этди. (ЎзА).

Қабул пайти.

Р. НУРИДИНОВ олган сурат (ЎзА).

## ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ТАРАДДУДИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат ва ҳукумат раҳбарлари кенгаши ҳузуридаги ишчи гуруҳи бир неча кундан буён 15 майда бўладиган олий даражадаги Тошкент учрашувига тайёргарлик қўймоқда. Бугунгача уларнинг қўли остида мустақил республикалар эксперт гуруҳлари тайёрлаб, тавсия этган талайгина ҳужжатлар жам бўлди.

Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги маъруза учрашувида

асосан уч йўналишдаги масалалар кўриштирилди назарда тутилмоқда. Табиийки, МДХ миқёсидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни оидинлаштириш, бозор иқтисоди шартларида ички ва ташқи алоқаларни мувофиқлаштириш, шунингдек, ҳарбий муаммолар ва ҳамдўстликдаги жумҳуриятларнинг экологик аҳоли ҳақидаги масалалар учрашув маъмурини белгилаш кутилмоқда. (ЎзА).

## ЭНГ МУҲИМИ — АМАЛИЙ ЁНДАШУВ

13 май куни Тошкентда МДХ мамлакатлари муҳофаза мақамлари раҳбарларининг амалий учрашуви давом этди. Грузия Республикасининг делегацияси бу учрашувга қўшилди.

Кенгаши МДХ Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондони авиация маршал Э. И. Шапошников оиди. У кенгаш қатнашчиларига муносабатларни янада яқинлаштириш, муҳофазага қўйилган барча масалаларни ҳал этишга амалий ёндашувларни тилади.

Учрашув қатнашчилари МДХ давлатларининг бошқалиқларига муносабатларни янада яқинлаштириш, муҳофазага қўйилган барча масалаларни ҳал этишга амалий ёндашувларни тилади.

Қуролли Кучларни сақлаб қолиш зарурлиги таъкидланди.

Ишчи гуруҳлар бир қанча муҳим ҳужжатларни муҳофаза қилишлари, делегацияларнинг фикрларини эътиборга олиб, уларни пухта ишлаб чиқишлари лозим, дейиб бу ҳужжатлар ҳамдўстлик давлатлари бошқалиқлари кенгашининг муҳофазасига киритилди. Янги хавфсизлик тўғрисидаги, 1992 йилда ҳамдўстликнинг муҳофазага ва қуролли кучларни сақлашга мулкдорларга ягона бюджет, ҳарбий хизматчиларни иқтисодий қимоллаш ҳақидаги шартномаларнинг лойиҳалари долзарб масалалар жумласига кирди. (ЎзА).

## ТАДБИРКОРЛАР АНЖУМАНИ

Самарқандда Ўзбекистон ширкати, иқаро, қўшма, хусусий корхоналар қасба уюшмасининг қурултайи таъсисчи III курултайи очилди. Унда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва республика вилоятлари тадбиркорлар қасба уюшмалари вакиллари, кўпгина хорижий мамлакатлардан келган ишбилармонлар иштирок эттишти. Самарқанд вилояти ҳокими П. М. Абдураҳмонов анжуман қатнашчиларини самимий қўтлади.

Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлар уюшмаси марказий кенгаши раиси Т. И. Салимов «Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларини муҳофаза этишда қасба уюшмаларининг вакиллари тўғрисида» маъруза қилди.

Анжуман доирасида «Жинслар» халқаро қасба уюшмаси конфедерациясининг мувофиқлаштирувчи мажлисини ўтказиш ҳам қўзда тутилган.

## Ўзбекистон-ЧСФР:

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқа вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев билан ЧСФР ташқи савдо вазирининг ўринбосари Л. Мортал Ўзбекистон билан Чехия ва Словакия Федератив Республикаси ўртасида ва фан-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Хужжатда ўзаро мол етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш кўзда тутилди. Ҳисоб-китоб ва тўловлар дунёдаги қўриқ нархлар ва халқаро савдода қабул этилган шартлар асосида бемалол айирбошламайдиган валюталар амалда оширилди. Давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва фан-техника алоқаларининг бутун мажмуи соҳасида бартер битимлардан фойдаланилади.

Иккала томон савдо-сотиқда бир-бирларига энг кўп қўлайлик яратиш бериш ҳақида шунингдек иккала давлат ўртасида имзоланган шартномаларга мувофиқ ет

## ХДП: халқ билан ҳамнафас ИШ БОШИДА — ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов республика пойтахтининг янги номланган Яқкасарой (собиқ Фрунзе) туманида бўлиб, ишчилар, инженер-техник ходимлар, партия фаоллари, олий мақтаб педагогик жамоаси раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Биринчи котибнинг мақсади туманда жойлашган меҳнат жамоаларининг кайфияти, иш ва турмуш шартлари, қай даражада ижтимоий муҳофаза этилгани ҳақида туманда жойлашган йирик кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш эди.

Биринчи пайооал фабрикасидаги учрашув, суҳбатлар шунини кўрсатдики, бу борада муайян тадбирлар амалга оширилди. Чунинчи, ишчи ва хизматчиларнинг олий маошлари кўпайтирилди. Моддий аҳоли бочор кишиларга тегишли ёрдам кўрсатишмоқда. Ишчилар ошхонасида таомлар сифатини янада яқинлаштириш, янги новвойхона, омонат касса фабрика меҳнат жамоасига хизмат кўрсата болади. Бу ерда ёшлар билан ишлашда маълум тажриба тўплаганини ишчилар сулодаларининг кўпайишига туртки бўлмоқда. Фабрика директори А. Тулганов, бошланғич партия ташкилоти котиби Ф. Рахматуллинлар хозирги иқтисодий қийин шартларга қарамай ишлаб чиқариш режаларини беқам-қўст барқарорлаштириш, бунга эришишга энг аввало, меҳнат интизомига қатъий амал қилинаётгани ва бу иш бошида Ўзбекистон ХДП аъзолари турганлигини таъкидлашди.

Шунингдек, мулоқот чоғида ишчилар партия ҳужжатларини тошириш кечикатгани ва ўзларини қизиқтирган бошқа муаммолар юзасидан фикр билдирилди. Ўз навбатида Марказий Кенгаш биринчи котиби саволларга жавоб қайтариб, муаммолар ечимини хуСУСИДА аниқ мулоҳазаларини баён қилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатидagi суҳбатда жамоа раҳбари Б. Эргашев, 1-ип Ингирув фабрикасини ишчиларнинг фаоллари комбинатнинг эрта киндини ҳақида, чет мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари, меҳнатчи

лар моддий ва маънавий турмуши тўғрисида суҳбат бердилар. Жумладан, улар корхонанинг оддий ишчилари ўрта ҳисобда 6-7 минг сумдан маош олаётганиларнинг мамнуният билан қай эътибор. Партия сафларини кенгайтириш, жинсларнинг тарбиясида тўплаган дастлабки тажрибалар баҳам кўрилди. Партия ташкилотининг жамоа ўртасидаги таъсир кучини янада ошириш ҳақида амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика олий билимгоҳи профессор-ўқитувчилари билан бўлган мулоқот ҳам қозирги долзарб ваифаларга бағишланди.

Меҳнатчилар билан учрашувларда Марказий Кенгаш биринчи котиби Яқкасарой тумани ҳокими Ш. Нурсатов ҳамроҳлик қилди.

Шунингдек, М. М. Расулов туман партия кенгашида ўтказилган мажлисда ҳам иштирок этди. Давра суҳбатиде Ўзбекистон ХДП туман кенгашининг биринчи котиби З. Давронов 82 та партия ташкилоти атрофида уюшган 2 мингга яқин партия аъзоларининг фаолияти ҳақида ақборот берди. Халқ Демократик партияси Дастури ва Низомини бақарий йўлидаги ютуқ ва камчиликларида тўхтади. Бу учрашулар жараёнида туман саноят корхоналарида юз бераётган иқтисодий муаммоларга алоҳида эътибор берилди. Таъкидланганидек корхоналар ўз пулларини тегишли ҳисоб марказларидан ўз вақтида оломай, сарсон бўлишлари. Шу билан бирга, улар томонидан ўзаро мол айирбошлаш ишига тўрғайиштириш ҳар хил кўришилганлиги жиддий тўсиқ бўлаётганини, ишчиларда коммуналнинг амалий бақарилишидаги сустликлар тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди. Бу ҳақда тегишли идоралар жиддий ўйлаб кўришлари керак.

М. АБДУНАБИЕВ.

## ТОЖИКИСТОН: СИЁСИЙ ҚАРОРГА ЭРИШИЛДИ

ДУШАНБЕ. 13 май. (РАТА)—ТАСС махсус муҳрири Сергей Подпольский ва Василий Гитович. Кеча кечқурун оппозициядаги партиялар вакиллари, журналистлар билан суҳбат чоғида Тошкентнинг раҳбарияти билан оппозиция ўртасида сиёсий мулоқот келинганини маълум бўлди. Тошкентнинг Демократик партиясининг раҳбари Шодмон Юсуповнинг айтишича, музокарадан кейинги Президент Раҳмон Назиев мажлисини тузиш ва Ислам ташкили партиясининг раҳбарларидан бири Давлат Усмонов билан вазирининг ўринбосари билан вазири таъинлаш ҳақидаги фармонларни имзолади. Энди эллик йиллик масала — республика бош прокурори лавозимига номзод тўғрисидаги ва томонларини курашувчи масалаларгина ҳал бўлмай қолди.

Агар эртага давом этадиган музокарада бу масалалар ҳал этилса, деди Шодмон Юсупов, оппозиция Шайхонид майдонини бўшашиб бера болади. Тошкентнинг демократик партиясининг раҳбарияти билан вазирининг ўринбосари сифатида Давлат Усмонов хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини назорат қилиш тўғрисида, Тошкентнинг музокарадан кейинги айтишича, музокарадан кейинги Президент Раҳмон Назиев мажлисини тузиш ва Ислам ташкили партиясининг раҳбарларидан бири Давлат Усмонов билан вазирининг ўринбосари билан вазири таъинлаш ҳақидаги фармонларни имзолади. Энди эллик йиллик масала — республика бош прокурори лавозимига номзод тўғрисидаги ва томонларини курашувчи масалаларгина ҳал бўлмай қолди.

Агар эртага давом этадиган музокарада бу масалалар ҳал этилса, деди Шодмон Юсупов, оппозиция Шайхонид майдонини бўшашиб бера болади. Тошкентнинг демократик партиясининг раҳбарияти билан вазирининг ўринбосари сифатида Давлат Усмонов хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолиятини назорат қилиш тўғрисида, Тошкентнинг музокарадан кейинги айтишича, музокарадан кейинги Президент Раҳмон Назиев мажлисини тузиш ва Ислам ташкили партиясининг раҳбарларидан бири Давлат Усмонов билан вазирининг ўринбосари билан вазири таъинлаш ҳақидаги фармонларни имзолади. Энди эллик йиллик масала — республика бош прокурори лавозимига номзод тўғрисидаги ва томонларини курашувчи масалаларгина ҳал бўлмай қолди.



## ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ КЎПАЯВЕРСИН

11 май куни республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Мақомаида 1992 йилда Ўзбекистонда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бағишланган йилнинг бўлиб ўтди. Унда республиканинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар, бирлашмалар, концернлар, банклар раҳбарлари, мутахассислар иштирок этдилар.

Йилнинг Ўзбекистон Бош вазири Абдулҳошим Муталов кириш сўзи билан очди ва олий бори.

Йилнинг қай қилинишича, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи республика комплекси корхоналари шу йилнинг ўтган 4 ойи мобайлида 18 миллиард сўлдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 миллиард сўмга кўп демекдир.

Ленин бу кўрсаткичлар аҳоли эҳтиёжини тўла қондиришдан хали анча йироқдир. Зотан, истеъмоли молларининг 62 фоизи республикага четдан келтирилади. Сўнгги пайтдаги иқтисодий алоқаларнинг бузилиши бу масалани анча мушкуллаштирди.

Бош вазир таъкидлаб ўтганидек, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳукумат олдида турган навбатдаги бир масала бўлиб қолмай, аҳолининг кайфиятини, унинг турмуш даражасини белгилайдиган, мустақиллигини мустаҳкамлайдиган сиёсий масалалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида қатор муаммолар пайдо бўлди.

Истеъмоли молларининг етишмовчилигига қарамай ҳозир жумҳурият оморхоналарида 10 миллиард сўмлик буюмлар тақлиб этилди. Улар орасида гилла, хонатлас, жун газламадан тикланган спорт костюмлари, чойшаб, болалар пойабзали, кийим-кечаклари бор. Бу молларни олдани одам йўқ. Тақлидлар кўрсатишича, бу ҳолга нарх-навоининг ошишидан ташқари уларнинг сифати пастлиги сабаб бўлмоқда, чунки буюм қиммат бўлишига қарамай, сифати яхши бўлса харид қилинмоқда. Сифат кўрсаткичи энди ҳаргалдан ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Шуниси ачинарлики, сўнгги пайтда маҳаллий ва енгил саноатга қарашли бир қатор корхоналарда таъриқланган пайооал, трикотаж ва кийим-кечакларнинг сифати пасайган.

Юқори ривожланган индустриал давлатлар қаторига кирган мамлакатлар дастлабки қадамларини ўз маҳсулоти сифатини жаҳон бозори талаби даражасида ишлаб чиқаришдан бошла-

гани буюмларини ишлаб чиқаришни зудлик билан йўлга қўйиш кераклиги қай қилинди. Йилнинг республикамизда мавжуд бўлган пахта толаси, шойи, қоракўл, жун, тери каби хом ашёдан тайёр маҳсулотлар, кийим-кечакларнинг ишлаб чиқаришида тўлақон фойдаланиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Йилги Иттифоққа хом ашё етказиб берган Навоивазот, Фарғонаазот, Чирчиқ капроланат каби корхоналар маҳсулотларидан биринчи навбатда республика аҳолиси эҳтиёжини қондириш йўлида фойдаланиш кераклиги таъкидланди. Ахир республикамиздаги бир қатор тўқимачилик корхоналари лавозим иқтисодий сабабли фақат пахтадан газламалар ишлаб чиқаришга мажбур бўлмоқда.

Йилнинг қатнашчилари яна бир муҳим масала — иқтисодий ресурслардан фойдаланишга диққат-эътиборни қаратдилар. Ахир республикамизда йилга 86 минг тонна мақулатлардан факат ярми қайта ишланмоқда. 25 фоиз тўқимачилик хом ашёси ташлаб юборилмоқда. Егоч қиқинчилар ҳам иқтисод кам фойдаланилмайди. Ўзбекистонда йилга 4 миллион тоннадан кўп гўзаполад яқинлашган хом ашё ресурси эътибордан четда қолмоқда.

«Ўзбекмел» ассоциацияси, Маҳаллий саноат вазирилик, Қишлоқ хўжалиги вазирилик, республика Фанлар академиясининг гўзаполад қурилиш материаллари, шолпоидан қозғоқ ишлаб чиқариш муаммоларини тараққ ҳал қилиш талаб қилинди. Бу масалаларини ечишда чет эл таъриқларидан кенг фойдаланиш зарурлиги айтилди. Бу ишга ишлаб чиқариш мулкчи жамоаникими, шахсийи, давлатникими, кимийни бўлишидан қатъий назар барчани жалб қилиш кераклиги таъкидланди. Ташқи топаётган қиқч корхоналар ва кооперативлар ўз фаолиятини асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қаратиши кераклиги қай қилинди.

Йилнинг масалан, Фарғонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан Ибратовнинг поғиқонда хабардор эмасликлари ва бунда оммавий ақборот воситалари: газеталар, телевидение ва радио жойбозлиги кўрсатмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтилди. Сифатли маҳсулотлар рекламаси яхши йўлга қўйилиши, аҳолининг республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кенг хабардор қилиб туриш лозимлиги қай қилинди.

Йилнинг Бош вазири Анатолий Возненко ва республика вазириларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақомаида маълумот шўъбаси.



УЮШҚОҚЛИК ВА САФАРБАРЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТИБ, ТАБИИЙ ОФАТНИ ЕНГАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҲАР БИР ТУП НИҲОЛ АРДОҚДА

Апрель ойининг иккинчи ярмида Қорақалпоғистоннинг шимолий зонасидаги Қўнғирот, Шуманай, Чимбой, Хўжайли, Кегайли районларида кучли ёмғир бўлди. Дастлабки экинлар майдонларида қатқалоклар пайдо бўлди. Булар камлик қилганидек баҳор байрами — 1, 2 май кунларида об-ҳаво бирданга ўзгарди, совуқ тушди. Бериуний, Тўрткўл, Амударё, Хўжайли, Шуманай ва бошқа районлардаги қатор хўжалиқларда қишлоқ туманида 30 минг гектар майдондаги ниҳоллар, 3,5 минг гектар майдондаги сабзот, қовун-тарвуз зарарланди.

Табиий офатдан зарарланган ниҳолларни асраб қолиш учун деҳқонлар экинларни қайта экин йўли билан эмас, балки уни чиққан ҳар бир ниҳолни соғлом олиб қилиш учун ниҳол туپларини юмшатиш, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш каби ишларни дадиллик билан амалга ошироқдалар. — 1900 гектар майдонда 4 минг 850 тонна пахта

етиштиришга аҳд қилганмиз, — деди Эллиқалъа районидagi «Қирқизобод» жамоа хўжалиги раиси, Қорақалпоғистон халқ депутати Абдулла ака Алимов. — Ҳар бир йилнинг ўзига яраша ташвиш, қийинчиликлар бўлади. Уларнинг ҳаммасига бардош бериб, фақат ҳалол меҳнат қилишимиз керак, 300 гектардан кўпроқ ғўза ниҳоллари қировдан зарарланди. Со-

вуқ урди. Ана шу майдондаги ғўза ниҳолларини соғлом сақлаб қолиш учун бободехқонлар, қишлоқ хўжалиги мухтаassisлари маслаҳатларига амал қилган ҳолда иш кўрмоқдамиз. Қорақалпоғистон республикасининг меҳнатсавар пахтакорлари, механикаторлари баҳор ойларидаги табиий офатлар келтирган зарарининг ўрнини қоплаб, 323 минг тонна эмас, ундан ҳам кўпроқ пахта етиштириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Р. ЕПИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Кетма-кет ёққан сел натижасида Сурхон дарёси далаларга тошди. Жарқўрғон районининг 12 минг гектар ердаги экинзорлари шикастланди. Ҳозир даёб қирғоғига темир-бетон ётқизибли, мустаҳкамланяпти. Далаларда эса чигитни қайта экиш қизгин.

Суратларда: 1. (чапдан ўнгга) «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги участка бошлиғи Нурқоиб Алламуродов, район сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Нурмуҳаммад Хазратқулов. Оққўрғон қишлоқ кенгаши раиси Абдуназар Каримов ва «Сурхонирстрой»нинг механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи Сафар Тўрақулов. 2. Офат юз берган жойда.



И. ХЎЖАЕВ олган суратлар (ЎзА).

СЎЛИМ баҳор давом этмоқда. Шундай фараҳли ойналар олдигагилик ҳаммаёқ ёлғиз кетган. Гуллар очилди, қўшлар навоси авжига чиққан паллар. Шу яннатдан олгандай май тароватига ҳеч бир фаслни тенглаштириб бўлмади.

Айни кунларда Оҳангарон районидagi «Оҳангарон» давлат ижара хўжалигининг бепов йилловлари-ю далаларида бўлсангиз, ҳақиқий маънодаги фасллар келинчаги ҳукмронлик қилаётганининг гувоҳи бўласиз. Шу гўзалликни чуқурроқ ҳис қилиш мақсадида биз ҳам сафаримизни яйловдан бошладик.

Чиндан ҳам қишининг бўронли, изгиринли совуқлари орта қолгач, қир-адирлар яшилди, гўзалликка бурканибди. Бу жойларни ясаптириб, шу ерда истиқомат қилувчи барча мавжудга ризқ-насиба берувчи ўсимликлар яшилдиб кийибди. Бундай пайларда барча тирик жонивотлар қиш мудроғидан уйғониб, кундан-кунга чирой очиб бораётган табият бағрида ярай бошлайдилар.

Бепов кир-адирларда отар кетидан юрган чўпонлар ҳам баҳорни интиқлик билан кўтиришди. Бироқ улар яйловларда ва ўтлоқларда, боғлар ва сой бўйларда келинчадек сеп ёлган май айёмидан лаззатланишга, завқланишга, баҳарга олишга ҳамнаҳам ҳам имкон топавермайдилар. Уларнинг иши қўй. Янги-янада чўпонлар учун энг маъсултият даяр — қишлоқ йилуналган эди. Қуни-кеча эса барча отарларда қўзилтиш масуми муваффақиятти ўтди. Зеро, чўпоннинг баҳорни ҳам, қувончу шодлиғи ҳам мана шу тадбирнинг муваффақиятти ўтиши билан белгиланди.

...Янги гиламга ёнбошлаган бош чўпон Гофур Рисқулов жиймайди. Унинг бу табассуми мавсум муваффақиятти ўтганини ишонса, Фаробин, Гофур ака қариб қирқ беш йилдан қариб қирқ тағини кўбери чўпонлик келаятган лидан туширмади режа бўлса-да, белгиланган режа ни бажармаган йилини ҳеч ким эсломайди. Бу йил ҳам шундай бўлди. У ота-ҳакам шундай 500 соликнинг ҳар ридида 105 тондан қўзи олишни режалаштирган эди. Ниҳти йўлдоши бўлиб маррадан ўзиб кетди. — Бизда Гофур акага ўшабу ўз ишнинг устаси даражасига етган чўпонлар ҳўжа-талайгина, — деди бошлиқ қўйчилик бўлими хўжалиги Немайтилла Хасанов. — Улар бор маҳоратини-ишга солиб, муваффақиятларини кўнайтиришди. Қўрол, Жумладан, Эргаш Рўдом, Қўчқор Назаров, Рўдом Ҳа-Қўчқор Эргашев, Эргашев, санов, Исмағил Эргашев бош чў-

понлик қилаётган отарларда совликлардан қўллаб дуркун қўзлар олинди. Энди чўпонларимиз май ойида жун қирқимиз ҳам қўн-гилдагидек ўтказишни мўл-жалламоқдалар. Шунга ҳам айтаётмоқчиманки, бизда асосан жун ва гўшт йўналишидаги қўйлар боқилади. Ҳозир яйловларимизда салкам ўн уч минг қўй боқилайтир. Энди-қанда туёқ сони янада кўнади. Мавжуд олти минг бош она қўйдан режа бўйича 5549 бош қўзи олинши керак эди. Бу кўрсаткич 5600 бошдан ошиб кетди.

ТАДБИРКОРЛАР БОР БЎЛСИН ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ

Бундай муваффақиятларга эришишнинг асосий сабаби шунки, кейинги пайтда чўпонларга гамхўрлик кўчиштирилди. Яъни инсон омилига эътибор қайди. Биринчидан, чўпонларнинг фараздари ар-ламнига қадрийлабидган бўлди. Иккинчидан, қорвончилик маҳсулотларининг харид нархи оширилди. Узоқда бориб юрмай, янги-янада эълон қилинган Ўзбекистон Президентининг Фармонию олайлик. Ушбу Фармонга кўра жуннинг харид нархи қир кил로그램мига 120 сўм қилиб белги-ланди. Шунинг қувончилиги, олий навию оқ толади жунинг бир килоси 182 сўмга боради. Гўштининг харид нархи ҳам ошди. Бу албатта иқтисодийимизни кўтари-ти, турмушимизни яхши-лашга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиетиға ўтили-ши муносабати билан барча жаҳолларда одамларни иқтисодий хўша қилишини ахамияти катта. Шу боис хўжалиқда фақат чўпонлар-гагина эмас, сабазоткорларга ҳам шарафти яратил-моқда. Ишчи-хизматчилар-нинг олий иш ҳақи етти бараварга оширилди. Биринчи навбатда кенсаларга гамхўрлик кўчилади. Чўнон-чи, ўтган йил хўжалик томонидан сохондага уй қурилди, 16 нахондага берил-ди. Ўзбекистон Президентининг «Республика қишлоқ аҳолисини оқат учун дол- (буғди) билан таъминлаш» қарор қилишга қўшма қоралар тўғрисида»ги Фармонига бйноан хўжалиқда бир-мунча ишлар қилинди. Онда-ларга 220 тонна галла тар-қатилди. Бундан ташқари ҳар бир хонадонга етмиш килogrammдан ун берилди. Ўтган йил якуни бўйича

хўжалик икки миллион сўм соф даромад олганди. Шу даромадининг асосий қисми рбдончилик ишларига, маданий-мансий объектлар қурилишига, ишлаб чиқари-шини кенгайтиришга сарф-ланди. Жумладан, икки-уч тоғча ва 1250 ўринли мактаб биноси фойдаланиш-га топширилди. Яна бир мактаб ва клуб бунёд этил-япти.

Нарх-наво кун сайин кў-тарилиб турган пайтда хў-жалиқдагилар нимага сарф-харажат қилиш кераклигини яхши билдилар. Шу боис бу ерда минг тонна маҳсу-лар Маҳкамасининг «Кар-тошка, мева-сабзот маҳ-сулотлари ва қуруқ мева-нинг харид нархларини ўз-гартариш тўғрисида»ги қар-ори эълон қилинди. Маҳ-сулотлар нархи хали унча анёқ бўлмаса-да, бу қарор бизни хурсанд қилди. Ҳар қалай энди енгилроқ нафас олаёқ бўлади.

Ҳа, директор айтган га-ларда жон бор. Бизнингча энди бошқа сабазоткор хўжалиқларнинг деҳқон-лари ҳам ҳавотирланмас-лар бўлади. Лекин тадбир-корлар ҳар қандай қийин-чиликдан ҳам қўрқмайди-лар. Зеро, мақсуд хўжалиқ-дагилар ҳам тадбиркор са-наладилар. Шу боис мав-жуд имкониятлардан самар-али фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Дарвоқе, ўт-ган йили 10 бош от, 170 бош қорамол, 794 бош қўй, 1729 та парранда аҳолига арзон нархда сотилди. Шунингдек, фермерлик хў-жалиқлари ҳам тўзилляпти. Ҳозиргача ўн икки нафар ишбилармон кишига 250 гектар ер берилди.

Бу йил миришорлар га-лладан ҳам мўл ҳосил олишни кўзламоқдалар. Куз-да тўққиз юз гектар ер-дан сепилганди. Эрта кў-ламда эса яна юз гектардан зиёд майдонга галла экил-ди. Ҳозирги пайтда ана шу экинлар барқ уриб ривож-ланимоқда. Галла майсалари-ни кўриб киши қўзи кув-найд. Вақтда бозорга чи-қилиб, озиқлантирилгани шундоқгина сезилиб туриб-ди. Айниқса, Абдушўкур Дарвишев бошлиқ бригада далаларида ниҳоллар бар-авқ. Бу ёзда йангиштириб олинажар мўл ҳосилдан ишонса.

Умуман, хўжалиқнинг қайси соҳасига назар сол-майлик, ҳамма жойда анёқ меҳнат маромини кўриб хурсанд бўлиди. Демак, тадбиркорлар даласида мўл ҳосил етилмоқда. Виноба-син элимизнинг ризқ-наси-баси яратилайтир.

...Хўжалиқда баҳорги ишлар кўнгилдагидек бажари-рилиб, экинлар парвариши намунали олиб борилаётган эди. Кутилмаганда табият нотантилик қилди. Меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кўни — Биринчи Май арафасида кетма-кет ёнгарчиликлар бўлди. Ана шундай синов пайтла-рида чўпонлар довдираб қолдишмади. Қўй-қўзилари вақтда кўраларга киритиб, тўйимли озукалар билан бо-қинди. Деҳқонлар эса экинларни қалб қўри билан иситмоқдалар. Байрам қил-лари ҳам табиий офат юри-батларини тутатишга ҳаракат қилинди. Бу ҳаракатлар натижаси яқин орада ўз-рўхосини кўрсатади. Де-мак, оҳангаронликларнинг эртанги кунга умиди яна ҳам мустаҳкамланади. Ш. МАННОПОВ, Ш. МИРҲАБИВОВ, «Ўзбекистон овози» мах-сус мухбирлари.

БҮРҮН

Анорбой ҚҮРОНБОЕВ

Қиссадан парча

Езувчи Анорбой Қуронбоев бадий публицистика соҳасида барқалиб ижод қилаётган қаламкашлардан. Ингирма олти йилдирки, у «Ўзбекистон овози» рўзномасининг Андижон вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлабди. Кўп очерклар, фельетонлар, воқеий қиссалар ёзди. Ҳозиргача унинг «Умр ҳайкали», «Дегиз чайдиги» очерклар туپлами, «Бўз ердаги бўз йиғит», «Жўраполвон», «Сув дотини», «Шифокор бахти» каби ҳужжатли қиссалари чоп этилган.

Езувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мунфоти совириндори, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист», «Хурмат Белгиси» ордени ишондори Анорбой Қуронбоев яқинда ўзининг машур боғбон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамини Масодиқ Мадиевнинг шон-шўхрати ва қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик авж олган довулли йиллардаги мағлубияти ҳақида «Бўрон» деб номланган воқеий қиссасини ёзиб тутатди. Қуйида шу асардан парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

МАСОДИҚ МАДИЕРОВ

Билан тагин раҳбарлар даволанадиган маҳсус хонада кўришдик. Бугун у кеча-гидан баттарроқ асабийлашган, руҳан эзилган, соқоли ўсган, баданига яра тошиб, оёқлари шишиб кетган, Мунг ҳаёл билан бедор ётибди. Угли Усмоножон унинг озғин қўлларини уқалаб ўтирибди. Мадиевон менга мавоз тикилиб ўксинди: «Бор овозим билан дод солгим, «баттол қонуншўнослар» шайнига лан-натлар ўқингим келди. Аф-сус, уюксизман, энди мени ҳеч ким тингламайди». Узоқ ўзини оғир хасталигини, пичори «сой» кетмаслигини биллиб, бошдан ўтган воқеа-ларни батафсил айтиб бе-ришга уринди.

Бизни шайтон қандай йўлдан оздирди? 1983 йил, июнь. Хўжаобод район иж-роия комитетидан қўнғирот қилиб: «24-формани олиб келиб», деди. Юрагим «ши» этди. «24-форма»да гўшт,

чатоқ эди. Шунинг учун иж-роқум раиси Гулчехра уни қабул қилмади: «Қандай бўл-са ҳам план тўлиши керак», деб қатъий талаб қилди.

— Биздан сут эмас, мева сўранг, опа, — дедим, — комбинатимиз болалар боғча-чалари ва касалхонаиниғина сут билан таъминлай олади.

— Мен сиздан сут сўра-яман, боринг планини бажар-ринг!

— Иложи йўқ бун, — де-дим, — ижроком раисининг гапини қайриб, «баъзи раҳбарларга ўхшаб: «бажара-миз!» деб ёлғон ваъда бер-мадим. Тўғрисиини айтдим, қўйдим.

Кўп ўтмай идорага Гул-чехра билан вилоят ижроия комитетининг раиси Шокир Муродов кириб келди. Муродовнинг қовоғидан дор ёи-ларди. Мен билан қўл учиди қуришди: «Опани нега хафа қилдингиз? Қорингиз тўйиб қолдингиз? Биз билан план тўлдирганлар ишлайди. Қўш-қўш орденлар, медаллар бер-дик, кўнрагингизга Олтин юлдуз тақиб қўйдик. Депу-тат қилиб сайладик. Хурма-тни билмайдиган одам экан-сиз. Сиз чорва душманисиз. Бошқаларда бўлган сут нега Сизда бўлмади. Ез бўйи на-ма қилдингиз? Гап битта! Плани бажарсансиз. Бажара-сангиз партиядан учирамиз. Олтин юлдузни қайтариб олиш масаласини қўямиз. Сиздақа юрт бузуқи дирек-торнинг жаоси шўё!»

Эрталаб бош агроном Шо-мансур Шокаримовни сут за-водига юбордим. У завод-нинг бош инженери Ашод Петросянга Шокир Муродов-нинг тошшириғи бўйича кел-ганлигини айтибди.

— Қанча сут керак?

— 100 тонна.

— Эллик беш минг сўм пул олиб келинг.

— Шунча пулни қаердан топаман?

— Пул бўлмаса, сут ҳам бўлмайди.

Петросяннинг бу гапини менга Шомансур айтди. Мен унга ўзимга ишонгандай ишонман, алдамайди. Бо-

шаримов, зоотехник Мадамин Абдурахмонов, бош касир Ойил Нишонов, бош бухгалтер Павел Константинович Устьянин, ферма бухгалте-ри Раҳим Юсупов, ферма бригада бошлиқлари Тожидин Қомилов, Ашуралӣ Назаров, хуллас, мен билан ўн саккиз киши сўроқ бердик.

Айтишларича, мен ўз хо-намага бош агроном Шома-нсур Шокаримов, зоотехник Мадамин Абдурахмонов, бош касир Ойил Нишонов, арқо-вни заводи директори Абду-раҳмон Маҳмудов, ишчи ишли омбори мудир Илдош Қўчқоровни қақиртириб, сут сотиб олиш ҳисобига план бажариш юзасидан Мах-сий сўхтаб ўтказибман. Бош касирга шундай тошпириқ берилган: «Сен Шомансур билан Мадаминга қанча пул сўрасан, шунча пул берасан». Йўлдошта буюрибман: «Мен касирини пул билан таъмин-лаб турасан!»

Бош касир ўттиз минг пул борлигини айтибди. Шома-нсур билан Мадамин қороз халтага солинган бу пулни менинг озгани «фармонин» билан Андижон сўт заводи инженери Петросянга етказ-ибди. Петросян пулни ол-гач, «Заводга сут ташийди-ган иккита бўш машина юбо-ринглар», деди. Шомансур Мадаминни сўт заводи олди-да қолдириб, ўзи менини ҳўзуринга «чўибди». Узаро маслаҳатлашиб, сут таший-диган машиналар ва, улар-нинг ҳайдовчилари Исмоил Собиржонов билан Баҳодир Шералиевни сўт заводи ол-дига — Мадамин кутиб тур-ган жойга жўнатибди.

МуАЛИФ ИЗОҲИ: Масодиқ Мадиевон қўнги беху зур бўлиб қараоватга ёнбош-ланди. Мен унга «ўзингизни босинг, сабр-тоқатли бўлинг, ойингиз ўн беш қоронғи бўл-са, ўн беш ёру» дедим. Бошқа ҳеч гап айта олма-дим. Сўн хайрланмоқ, хона-дан чиндим...

Мадиевон бир йил қора қурсида ўтириб, қаттиқ ру-хий азобни бошдан кечириди. Шу юзасидан партиядан учиринган, депутатликдан чиқариб олинган ҳам унинг учун оғир жаза чораси бўл-ди. «Қанчаб қўнрамин?» де-ган қўруқ Мадиевонни ку-сайин енгиб берди. Одамлар, фаразландилар, келидилар, қуд-лар, қариндош-уруғлар олди-да ҳижолатдан бош кўтарол-май қолди. Номус, орият кучи унинг девдаб қоматини буюкиб қўйди. Виждон азоби андан ҳамом қилди. 1989 йил июнь, Масодиқ Мадиевон оламдан ўтди.

шим қотди, нима қилишга ақлим етмай қолди. Шома-нсурга: «Иложини қилинглр!» дедим. Эртаси кун у менга: «Иложини қилдик, сут пла-ни тўлади», деди. Сўра-суриштириб ўтирмадим. Хурсанд бўлиб миннатдорчилик билдирдим.

ШПЛАР силлиқ кетаёт-ганиди. Кутилмаганда Шаҳрихонда «Карол» лақаби билан танилган, Москва рай-онидан матбуот жамятига қи-рашчи аҳолидан ишши идиш сотиб олиш дўкони мудир Пўлдош Жураев «тушунгиз»-дан илтиб қолдибди. Таф-тинчи Қобилжон Умаров унинг гирибонидан ушлабди, «карол» комбинатимизга қар-ашли арқо-вни заводининг ишши идиш ва ишиқ сақла-надиган омбори мудир Илдо-ш Қўчқоров билан алоқанда экан. Мен буни билмас-дим. «Карол» ўз ҳисоботида комбинатимиздан 944 минг сўмлик ишши идиш ва ишиқ қабул қилганлигини қайд эттибди. Бу, тафтинчида шў-ҳа тугдирибди.

У ишши ва ишиқ ташинган транспорт ҳайдовчилари билан сўхтабланганда улар бундан бехабарлиги аниқ-ланган. Тўдирилган йўл ва-рақалари қалабон бўлиб чи-қган. Сохта йўл варақаси бў-йича ҳар бир трактор при-цепи Хўжаободдан Шаҳри-хонга кунига Ингирма мар-да бориб келган ва соатига ўч юз километр йўл бостан. Бу, ҳақиқатда сира яқин кел-майди. «Карол» ўзи ишла-дан дўконга ўғди Эргаш Жу-раевни, Шаҳрихон умумий овқатланиш қорхонаси қи-ши а идиш сотиб олиш дўко-нига аҳолидан ишши идиш

тафтиш бошлангандаёқ ви-лоят партия комитетининг биринчи секретари қабулида бўлибди, ахвол оғирлигини айтиб ёрдам сўрадим. У ки-ши «Текириш» якунини менга олиб келишди. Хо-тиржам ишчи қилаверинг», деди. Бахтга қарши сўроқ ишлари икки йилга чўзилди.

Кўп ўтмай мени шндан четлатиб, фирқа аъзолигидан чиқаришди, депутатликдан чиқариб олишди. Ўн саккиз кишининг асарияти қанчаб қўйилди. Ниҳот, сўроқ иш-лари тугади, ишимиз судга ошди.

Суд мажлисида бизга қў-йилган айбонмоа ўқиб эши-тирилди. У жуда ваҳимали эди. Мен бу ишлардан ха-барим йўқлигини айтиб, уни тўла рад этдим. Катта-кичи менга шундай маслаҳат бер-япти. Қўйилган қаламулло, олиб, оит ичиди, ёлғон га-пирсам шу қаламулло урсин, дедим. Қўнқилик мендан бу-ни кутмаган экан, зал қал-қиб кетди. Шундай қилсам ўзимга ва бошқаларга енгил-лик бўлармикан, деб ўйла-гандим. Янгилишман, «кат-та»ларнинг бўйруғини бажар-иш учун қинғир йўлга юр-ганимизни даял айтишга журъат эга олмадим. Оқи-батда ёнимда, қора қурсига ўтирган «қардрон дўстларим» «ёвта айландилар. Улар-нинг суд залида алам ўтиди ёниб ўтирган бола-чақалар, қариндош-уруғлари мени нафрат билан қарадилар. Ни-ги-сиги бошланди кетди. Ку-логимга «қўрқоқ», «юмард», «монса!» деган сўзлар

3.

зиштиди. Шовқин-сурондан қўнқиб эс-ҳушимни йўқот-дим. Қадрдоним Шомансур ҳам хафа бўлди чоғи, биринчи марта мени қарши кўрсатма берди. Йўлдошининг аччиқ гаплари ҳам экон-жоимдан ўтиб кетди. «Мадиевон мен-га касир қанча пул сўраса, шунча пул берасан!» деди. Буз ундан ёзма бўйруқ талаб қила олмадим. Озгани бўйруқ қонундан кучли эди. Уни бажармасак ишла-маслигимизни билардик. Қи-йин томонни катта ҳаракат-ларни асосан мен қоплашим лозим эди. Шунинг учун «карол» билан алоқа боғла-ша маъбуд бўлидим. У билан иш тез, осон битариб, бу зумда сохта ҳўжжатлар ясаб пул топишга устаси фаранг эди. Уч йилда қинғир йўл билан топишган пулнинг тенг-яринини «карол» олди. Мен-га теккан 472 минг сўмдан 90 минг сўмини шахсан Ма-диевонга берганман. Қолган-ини касирга топишганман. Бу пуллар қассадан Шома-нсур билан Мадаминга ўтган. Улар сут сотиб олишган. Ни-ма иш қилмас Мадиевон бу-ларди. У мардларча тан оли-ши керак».

Мен бу гаплар тўхматли-гини айтдим. Тўксон минг сўм пулни менга берганлигини исботлангани талаб қил-дим. Судья сўраб-суришти-рибди. Йўлдошининг даъвоси ишобатга олинди. Қонсерва заводининг иш-ши идиш сақлаш омбори му-дир Исоқ Сулаймонов суд сўроғида мен товарли ҳуж-жатларга қўл қўйганман, де-ди.

Мен бу гаплар тўхматли-гини айтдим. Тўксон минг сўм пулни менга берганлигини исботлангани талаб қил-дим. Судья сўраб-суришти-рибди. Йўлдошининг даъвоси ишобатга олинди. Қонсерва заводининг иш-ши идиш сақлаш омбори му-дир Исоқ Сулаймонов суд сўроғида мен товарли ҳуж-жатларга қўл қўйганман, де-ди.

Мукофотлар муборак

«МЕХРИБОНЛИК» НАСИБ ЭТДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» ҳайрия жамғармасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси халқ ноиб Дадаход Экубовни жамағара раислигига сайлашди. Шунингдек, жамғарманинг «Меҳрибонлик» мукофоти таъсис этилди. Шу муносабат билан муҳбиримиз жамғарма раиси Д. ЭКУБОВГА бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Жамғарманинг «Меҳрибонлик» мукофоти ҳақида сўзлаб берсангиз.  
— Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» ҳайрия жамғармаси «Меҳрибонлик» мукофотини таъсис этди. Бу халқимиз урф-одатларига кўра ночор кишиларга меҳр-шафқат кўрсатганларга берилди. Айни вақтда ўзгалар ҳаётини сақлаб қолганлар, оғир касалликларини даволаган табиб-шифо-

— Мукофотлар қимматга берилди.  
— «Наврўз» жамғармасининг бу йилги олий даражали мукофотиغا Навоий районидagi оилавий болалар уйи мудираси Мунаввара Пардаева сазовор бўлди. У 17 нафар болани ўз қарамонига олиб тарбиялапти. Болаларнинг тўрт нафарини ногирон.

Тошкент шаҳридаги Ҳабیبий кўчасида яшайдиган Ҳамроҳон Раҳмонова эса бева боши билан кўзи оғиз беш боласини ҳеч қимга хор-зор қилмай, оқ ювиб, оқ тараяпти. У ҳам олий мукофотга лойиқ толипти. Биринчи даражали «Меҳрибонлик» мукофоти Ўзбекистон ногиронлар жамағати раиси, иккинчи гуруҳ ногирони Солиқ Абдуллаевага насиб этди. Бу жонқуяр инсон Тошкент шаҳар ижтимоий ўзаро ёрдам жамағатининг тузиб, ун республика жамағатига айлантирди. Минглаб ногиронларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшди.

Тошкент вилояти Зағитота районидagi «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида яшовчи Муҳаббат Қаримов ва тўрт ногирон боласини, Андижон вилоятининг Жалолқўдўқ районидagi «Халқият» жамоа ҳўжалиги аъзоси Шанархон Қодиров ва 22 йилдан бери тушакда ётиб қолган турмуш ўр-

тоғини меҳрибонлик билан парвартиш қилапти. Уларга биринчи даражали мукофотлар топирилади.

«Меҳрибонлик» ишлаб чиқариш маркази раҳбари Галина Васильевна Пектерова иккинчи даражали мукофотга сазовор бўлди. Бу жонқуяр аёл 90 нафар ногиронни иш билан таъминлади. 1992 йилнинг биринчи чорагида 2 миллион сўмлик болалар ва аёллар кўйлагини ишлаб чиқарилишини таъминлади.

Мукофотланганлар орасида бухоролик шоир Муҳаммаджон Шарипов ҳам бор. У ногирон бўлишига қарамасдан ижод қилапти.

Минбулоқдаги нефть фаворасини ялловлашда жасорат кўрсатган Саидзамин Рўзиев, Сергей Миёв ва Абдулла Қўлдошевлар ҳам «Меҳрибонлик» мукофоти билан тақдирланди.

Суҳбатдош Ю. ЗИЕДОВ.

Сизда қандай ангиллик бор?

ЙЎЛ ЯҚИН БЎЛДИ

АМУДАРЕДА ЯНА БИР ПОНТАН КЎПРИК

Амударё устида Нукус шаҳрини Хўжайли шаҳридаги «Водник» кўприги билан боғлайдиган понтан кўприк қурилган эди. Бу кўприк йилнинг уч фаслида ишлаб, қишда ундан фойдаланилмасди. Нарироқда яна бир кўприк барпо этилди. Эндиликда Нукус-Хўжайли ўртасидаги масофа Тахташ тўғонидан ўтиб борганга нисбатан уч баравар қисқарди.

Амударё устидаги янги понтан кўпригини Хўжайли давлат пароходчилиги ташкилоти қуриб берди. Енгил автомашиналар, мотоцикллар, йўловчилар кўприқдан тариф буйича ҳақ тўлаб ўтадилар.

«Ўзбекистон овози» муҳбири.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.

Ургут туманидаги Жартепа қишлоғидаги иктисослаштирилган мактабда араб ҳарфида ўзбек тилини ўрганиш машғулоти бошланди.

Суратда: Самарқанд музалимлар малакасини ошириш институти ўқитувчиси Гани Файзиев машғулота.

Р. ГАФУРОВ олган сурат. [94].

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ОҚ ЙЎЛ, «ОЙДИН—МОНИЗА»

«Ойдин—Мониза» ўзбек-хитой қўшма корхонаси муассислари — Тошкент «Қизил тоғ» тикучилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошинтерм» қўшма корхонаси ва Пекиндаги ҳамма кийимлар тикувчи «Мониза» компанияси

1992 ЙИЛ 11 МАЙ КҮНИ

«Ойдин—Мониза» қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Рўйхатга олинганлиги ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қўшма корхоналар Рўйхатига киритилганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«Ойдин—Мониза» қўшма корхонасининг манзилгоҳи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси 21-уй.

МАРҒИЛОН ТРАКТОР ТАЪМИРЛАШ КОРХОНАСИ

қайта таъмирлаш учун Ўзбекистон жумҳурияти ҳудудида жойлашган барча корхона ва ташкилотлардан

«КамАЗ» а/м двигателларини ва Т—130 тракторларини

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Манзилгоҳимиз: Марғилон шаҳар, Н. Холматов кўчаси 174-уй.

ЖУМҲУРИЯТ ТИЖОРАТ ОЛИЙ ВИЛИМГОҲИНИНГ «АЕЗ» КИЧИК КОРХОНАСИ

Қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг исрофгарчилигини йўқотиш мақсадида юқори босимда ишлайдиган совутиш ускуналарини ишлаб чиқариш мутахассисларни тайёрлайди. Уқш-ни битирганларга совутиш ускуналариди ишлашга рухсат берувчи гувоҳнома топирилади.

Ўқш муддати:

совутиш омборлари мутахассислари тайёрлаш ва совутиш ускуналари машинистлари тажрибасини ошириш—бир ой;

совутиш ускуналари машинистларини қайта тайёрлаш — уч ой.

Ҳар бир тингловчининг бир ой ўқшиш учун 1700 сўм тўланади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент, Луначарский кўчаси, 374-уй.

Телефон: 64-16-98.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЖУГРОФИЯ БЎЛИМИ

1992 ЙИЛ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар буйича:

— Иқтисодий ва ижтимоий жуғрофия —1.

— Табиий жуғрофия, ландшафтлар геофизикаси ва геохимияси — 1.

Хужжатларни топириш муддати — 1992 йил 1 октябрдан.

Манзилгоҳимиз: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 85-уй. 1-хона.

Телефон: 35-04-80.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Фарғона вилоятидаги 8-қурилиш ижара пудрат кооператив трестида

1992 ЙИЛ 27 МАЙДА

Трестнинг 50 йиллик юбилейига бағишланган

ТАНТАНА ЎТКАЗИЛАДИ

Трестнинг собиқ ходимларини ва у билан бевосита муносабатда бўлган корхона ва ташкилотларнинг вакилларини юбилей тантаналарида қатнашишга таклиф этамиз.

Фарғона шаҳридаги телефонларимиз: 2-15-62, 2-29-54, 2-14-69, 2-10-41.

Маъмурият.

Ҳурматли АБДУЖАББОР АКА ХАЛИЛОВ

Биз Сизни Тошкент вилояти Қибрай районидagi моҳир ташкилотчи раҳбарларнинг бири, аjoyиб инсоний фазилатларга эга дўстимиз сифатида яхши биламиз. Сизни чин кўнгилдан муборак 50 ёшингиз билан табриқлаймиз. Сизга меҳнатда катта муваффақиятлар, бахт-саодат дом ёр бўлин!

Дўстларингиз!

Оқибатли кишилар БАРАКАСИНИ БЕРСИН

Жамоа ҳўжалигида илгор бригада бошлиғи бўлиб ишлаб юрган Бобоназар Мейлиқулов икки йил бурун касаллик билан тўсатдан вафот этди-ю, жўнабидрай 45 нафар фарзанд турмуш ўртоғи Марям опа кўлида қолди. Ҳўзгор катта, Ермай-ичарман кўп, даромад эса кам.

Марям опа Қурбонавадек ночор оналарга кўмаклашиш масаласи жамоа ҳўжалиги бошқаруви ва партия ташкилоти кўшма йиғилишида кўриб чиқилди. Уларга амалий ёрдам беришга келишиб олинди.

Жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси, ХДП аъзоси Нуралӣ Аралов Марям опа Қурбонава оиласидан хабар олдиш учун таширф буюрди.

—Турмуш ўртоғинингизнинг колхозга кўп меҳнати сингган, — деди раис бошқилди билан. — Унуттишга ҳақимиз йўқ. Қолаверса оила серфарзанд, кўпчиликсизлар. Қийнаётганликларингизни ҳам сезиб турибмиз.

— Худода шукур, унчалик қийналганмиз йўқ, — дед нарматрона гап бошлади Марям опа. — Парвардигор ҳар бир бандасини ўз ризқи билан яратар экан, топганимиз ҳар ҳолда етиб турибди.

— Оилангизга бепул соғин ситир беришга қарор қилдик.

— Вой, раҳмат, биздан қайтмаса, худодан қайтсин, — деди хурсандлик билан опа.

— Колхоз томонидан Марям Қурбонава сингари серфарзанд бева аёл Пардаход Бўрнева оиласига ҳам бепул соғин ситир нисбон этилиб, катта ёрдам кўрсатилди. Унинг турмуш ўртоғи Очил Бўрнев ҳам колхозчи эди. Бевақат келган ажал бола-чақаларини бўзлатиб, уни ёрув дунёдан олиб кетди.

Ҳўзгор районидagi Карл Маркс номида жамоа ҳўжалиги маъмурияти партия ташкилоти билан ҳамкорликда кўнгли ярим бева-бечоралар, ночор оилаларга муруват кўрсатиб, хайри иш қилапти. Маълумки, ўзгаларнинг хотирлаш, марҳумларнинг фарзандлари, алоқадорлиги меҳр-оқибат билан ёрдам кўрсатиш, — бу



Хўқуқ соҳасини касб қилиб, унга ўзининг бутун ҳаётини бағишлаб, бир ўзбек аёли ўтди. У ҳуқуқшунослигимиз, қонунчилигимиз осмонда бир ёрув из қолдирди. У киши Хадича Сулаймонова эди. IV йилди танилган асарлар тўпламини арақларниқимиз, кўз олдими ҳақ бутун бошли бир фан захматнаши, жумҳуриятда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш фидойисини, ҳуқуқ-тартиб кўйи ва юқори органларини яхшилаш, тармоқда янги бўлимлар ташкил этиш-

ди. Олима фаолиятининг қирралари кўп. У етакчи раҳбар, жамоат арбоби, биллимон ҳуқуқшунос, ёшларнинг талабчан мурабийиси, Ватан-юрт эришган ютуқларни ўзгаларга кўз-кўз қила оладиган дипломат эди. 1956 йилда Х. Сулаймонова Адлия вазирлиги сифатида иш бошлади. Камчиликларни тезда илғаб олиш, заиф нуқтага ёрдам уюштириш унинг асосий иш услубларидан эди. Шу сабаб вазирлик йиғилишларида кам эътибор қара-

ЕДНОМА

ЁРУҒИЗ

га жон куйдирган, фан ривож учун елиб-югурган, натижада ҳаёти давомида кўп ишлар қилишга улгурган аjoyиб инсон гавадалана бошлайди.

Мирзо Бобур киндик қони тўкилган юрт-Андижонда Хадича отлиғ киз дунёга келди. Замон алғов-далғовлар унинг беш сағир билан қолган онаси ва уллар оиласини ҳам ўз қонига олди. Оила Сирдарёда сарсон бўлди, бир неча муддат ўтиб, замон ховри анча босила бошлагандигина ўз юртига қайтишди. Хадича кўпчилик учун янглик бўлган рус мактабда ўқиди.

Унинг шуғрида ҳақсиятлар олдида, ёвузликлар силсиласида чидаб туролмаслик тўйвуси илдиэ отди. Шу тўйвуг катта маъсадага айланди. Йўлга чорлади. Хадича С. Обидова номидagi совет ҳуқуқини ва қурилиш олийгоҳининг талабаси бўлди. 1935 йилнинг сентябрида жумҳурият оқсоқоли Пўлдош Охунбобоев ўланинг биринчи ҳуқуқшуносларига дипломларини топираётиб, бу касбини аёллар индида биринчилардан бўлиб ағаллаган Хадича Сулаймоновага «Йўлинг ойдин бўлисин» дед оқ фотиҳа берди. Ўтлан иқобат бўлди, у ўз йўлини топиб кетди. Дастанвал, жумҳурият Олий Суди аъзоси сифатида иш бошлади. У вилоят ва туманларда бўлиб, жиний ишларни тартиққонлик билан ўргатар, ҳар бир ишни ўрганиш баробарида ўзи учун янглик илар, қўнича бунга эришарди ҳам.

Тўрт йиллик иш фаолияти, ҳуқуқ-тартибот тарихига оид

анин, унга сиёсат кўзи билан эмас, ҳаққонийлик билан қараш, ҳар бир воқеа-ҳодисага ҳолис баҳо беришга ҳаракат қилди. Кейинчалик у «Ўзбекистонда совет жиний ҳуқуқлари мажмуининг шаклланиши ва ривожини» докторлик илмий ишида ҳам бу нарсани диққат марказида тутди.

Сулаймонованинг IV томли асарлари тўпламини арақларниқимиз шундай жумлаларга кўзингиз тўшади. «Ўзбек хонлиқларида суднинг икки қўрнини — қозини суллар ва бий сулларни амал қиларди. Қозилар ўтроқ халқнинг жиний ва фуқаролик ишларини кўриб чиқсалар, бийлар кўриб келган аҳоли ишларини билан шуғулланардилар.

Қозиллик мансабига ёш анчага борган ва чуқур диний таълимни олган кишилар сайланардилар. Шарият қонунларига мувофиқ, кўнчи бунга амал қилинмасида, қозилар жинийларнинг омма кўп тўпаланган жойлар, масалан, маҷитларда кўриб чиқардилар. (1-том, 37-38-бетлар). Тартибни сақлаш, одамларни жинийлардан четлатишда дин, эътиқод катта роль ўйнади. Бугун анча равшан бўлиб қолди. Олима бир неча жойда бунга шаъма қилиб кетди: «Куръон талабаларига мувофиқ биринчи марта ўғирлик қилган одамларнинг ўнг қўлидаги бармоғи кесиб ташланарди». (1-том, 46-бет).

Х. Сулаймонова илмий ишларида, раҳбарлик фаолияти давомида хотин-қизлар манзарида кўп марта мурожаат қилди, сўғий-ҳаракатлари билан маъжуд қонунларга бир неча ўзгартришлар кирит-

тилаётган мулкни талон-тороқ қилиш, транспортда ҳақолат содир этилиши, бузуғчилик каби жинийот турларига жиддий ёндашди. Сулаймонованинг саъйи-ҳаракатлари билан 1981 йил 30 майда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан адвокатура иши ҳақидаги янги ҳолат қабул қилинди. Бу билан жинийот ишда адвокатларнинг роли ва маъсуллигини янада ошириш, иш қўлимини кенгайтиришга йўл очилди.

Ҳозирча олима номи билан аталадиган Суд-экспертиза илмий-тадқиқот илмгоҳи ҳам кўп елиб-юғуришлар аъзига бунёд этилган эди. Суд қидирув ишларининг ҳаққиятга нечоғлик яқинлиги айна шу нараса — суд экспертиса натижаларига боғлиқлигини тушуниб етган олима ишдан-ишгагина; институт биносига тамал тошини қўйишдан тортиб, уни замонавий асбоб-ускуналар билан безашгага бўлган маъшаққат ли ишга бош-қўв бўлди.

Х. Сулаймонова таркимаи холи билан танишмоққа давом этамиз: 1958 йилнинг 21 майда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида иттифоқдosh республиналар ичиди биринчи бўлиб «Ўзбекистоннинг суд қурилиши тўғрисидаги» қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонун жумҳурият қонунчилиги ва суд тартиботи ривожига йўл очди.

«Известия» рўзномасининг 1964 йил 5 апрель сонидида жаҳонда биринчи марта Олий суд раиси лавозимига кўтарилган аёл ҳақида хабар босилди. «Ўзбекистон Олий Кенгаши Раёсати раиси Ю. Насриддинова, маданият ва ижтимоий таъминот

вазирлари З. Раҳимбобоева ва В. Солиқова қаторида Ўзбекистон Олий суди раиси Х. Сулаймонова ҳам ҳаққоний равишда жумҳурият фахри ҳисобланади» дейилади мақолада.

Бу олий мартаба Сулаймонова зиммасига янада катта юкни орди. У Олий суд, шунинг қаробарида халқ судлари фаолиятини янада яхшилаш ниятида қўшни жумҳуриятлар судлари ишларини тинмай ўргатди. Олий суд таркибидagi бир қанча янги-қонунчиликни кодификация қилиш ва тизимга солиш, суд амалиёти ва ҳисоботини умумлаштириш, нотариал, шикоятлар бўлимлари ташкил этилди. Бу билан судлар ишида кескин бурилиш қилинди.

Х. Сулаймонова бир қарасангиз Олий суд таркибиди янги ташкил этилган шикоятлар бўлимида одамларни қалбул қилаётган, уларнинг илтимосларига қонун йўли, шу билан бирга инсоний қадриятлар доирасида жавоб бераётган, бир қарасангиз фан оламига кириб келаётган ёшларга йўл-йўриқ бераётган, номзодлик диссертацияларини тайёрлашда қатнашаётган бўларди. Унинг ҳомийлигида илмий изланишлар олиб борган Т. Саъдуллаев, Г. Аҳмедов, Т. Аюбов каби кўплаб олимлар талабчан олимидан катта сабоқ олдилар.

Ҳозир машҳур тарихчи олимимиз Раҳимадон Аминова таъкидлаганидек: «Шоғирлар унинг ташқи салобатидангина хуриб турардилар. Бу аёлнинг ички олами эса меҳр, муруватга тўлиқ бўларди».

Севинки шоирамиз Зулфия она ўз эсдаликлариди Х. Сулаймонова маънавияти, одамийлигига баҳо беради: «Сулаймонова табиятан жўмард аёл эди, у ўзи ётирган одамдангина вақти, меҳнатини аямасди, ётирмайдими, бас, бутун вақтин йўқроқ эди», деб шартта айта қоларди. У шерьлар ёзарди. У она эди. Она бўлганда ҳам фарзанди тилга олинганда бутун вужудида меҳр нури парлаб кетар, бу нур беҳтиёр ёнидаги одамнинг ҳам дилини еритиб юрарди. Шавкатим ўзим деб гапирарди фарзанди ҳақида.

Истеъдодли ўзига ва шоғирлариди нисбатан талабчан, айлни пайтда меҳрибон ва раҳмқўр эди.

Х. Сулаймонова — машҳур ҳуқуқшунос олим, доно ҳуқуқчи, жамоат ва давлат арбоби сифатида халқимизнинг ардоқли фаранди, кўриқ, гурури ва фахри-дир!

СПОРТ

УНИНЧИ МАРТА

МОСКВАДА МДХ кубоғи учун футбол бўйича яқуловчи урашув ўтказилди.

Муҳдислар спартакчилар билан армиячилар ўртасида давом этган кизгин ва муросасиз курашнинг томоша қилинди. Яқуловчи бу ўйинда спартакчиларнинг омадлари келди. Улар армиячилар дарвозасига иккита жавабсиз тўп киритиб, ўзинчи марта билдур соғрин соҳиб бўлишди. Спартакчилар орасида пахтакорчи А. Пятницкий ҳам бор эди.

ДУСТЛИК СОВРИНИ

ОҒИР АТЛЕТИКА бўйича ақънавий «Дўстлик» соврини учун ўтказилган мусобақада вакилларимиз муваффақиятли куч синишдилар.

Самарқандлик Виктор Яқсий вазни 50 килограммлик полновлар сафида беллашиб, биринчи ўринни ағаллади. У даст кўтариш-

УНИНБОСАРЛАР МАВҲЕИ

БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 6-тур ўйинлари ўтказилди.

Биринчи ўринда бораётган Гулистоннинг «Шифокор» жамоаси Қаршиннинг «Пахтачи» футболчиларини қабул қилиб (1:1), тўқинз очко билан мақъенин мустаҳкамлади. «Атласчи» (Марғилон) футболчилари эса бардоқчилар меҳмони бўлиб, 2:1 ҳисобида устун келишди. Ҳозир атласчилар билан «Бахт» (Тўрақўрган) футболчиларида сақинидадан очко тўпланди. Бекобдин «Маъдақи» жамоасида еттига очко бор.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУВАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУХАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУҲАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИҚМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикирини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта кўриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва маъмурият — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноят, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноятини — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодий ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-11; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фелеетонлар — 32-54-27; безатниш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматда босилди. Босишга топириш вақти — 21.00 юшириди — 20.33 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.